





КУЧЛИ ДАВЛАТДАН —  
КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК  
ЖАМИЯТИ САРИ

■ Эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини демократик сайловларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ

мустаҳкам ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда ўтказилади

**Мамлакат тараққиётига таъсир қилувчи, жамиятда демократик тамойиллар устуворлигини кўрсатувчи асосий омиллардан бири сайловлардир. Сайловлар, энг аввало, халқ ва жамият манфаатларига хизмат қилади. Шу маънода жорий йилнинг 4 декабрь кунини Ўзбекистонда ўтказиладиган Президент сайлови юртимизнинг келгуси истиқболлини белгилашда муҳим аҳамиятга эгадир.**

Мазкур сайлов қандай ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда ўтказилади? Ўзбекистондаги сайлов тизимининг ўзига хос жиҳатлари нима-лардан иборат? Ушбу саволларга жавоб олиш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат божаруви академияси кафедраси мудири, юридик фанлар номзоди Шерзод ЗУЛФИҚОРОВ** билан суҳбатлашдик.

— Эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини демократик сайловларсиз тасаввур этиб бўлмайди, — дейди у. — Чунки сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат ва ҳар қайси жамиятда хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфияти яққол намоён бўлади. Дунё таърибасидан маълумки, сайловларнинг қандай ўтиши мамлакатдаги ҳуқуқий меъёрлар, сайлов ҳуқуқи эркинлиги қандайлиги ва фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятига боғлиқ.

— Президент сайловини ўтказиш қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади? Уларнинг бу жараёндаги ўрни ва аҳамияти қандай?

— Мамлакатимиз сайлов тизимининг ҳуқуқий асоси ҳақида сўз юритганда биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини алоҳида қайд этиш керак. Хусусан, Бош қонунимизнинг XXIII боби сайлов тизимига бағишланиб, унда фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи кафолатланган.

2016 йилнинг 4 декабрь кунини бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлово мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеадир. Ушбу сиёсий жараёни тартибга солишчи «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтқизишда» қонун долзарб амалий аҳамиятга эга. Мазкур қонун асосида мамлакатимиз тарихида илк маротаба демократик сайлов — 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Президентини сайлови ўтказилган эди.

Мамлакатимиз сайлов тизими конституциявий-ҳуқуқий асосларининг яратилишида 1995-2000 йилларга бугун давр катта аҳамиятга эга. Айнан шу вақтда «Марказий сайлов комиссияси тўғрисида» қонун қабул қилинди ҳамда сайлов қонунчилигиға тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

1997 йилда «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтқизишда» қонуннинг қатор моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар ҳамда 3 янги модда

қиритилди. Уларга мувофиқ, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг очик ва ошкора амалга оширилиши, сайлов жараёнида иштирок этувчи қузатувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сайловларнинг молиявий таъминоти, сайловларни ўтказувчи сайлов комиссияларининг тизими, Ўзбекистон Республикаси Президентлигиға номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи, сайловолди ташвиқотининг ҳуқуқий асослари, Ўзбекистон Республикаси Президентлигиға номзодлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ишончли вакилларнинг ҳуқуқий мақоми, Президентлик лавозимига киришиш тартиби каби қоидалар янгича мазмунда ўз аксини топи.

Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президентлигиға номзодларга, сиёсий партияларға Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда ҳамда номзодларға ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқлар берилди.

2000 йилда «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтқизишда» қонуннинг 14-моддасига ўзгариш киритилиб, янги нормаға мувофиқ, сайланган шахсға Ўзбекистон Республикаси Президентини этиб сайланганлиги тўғрисида қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган, намунадаги гувоҳнома топширилиши белгилаб қўйилди.

2004 йилда эса мазкур қонуннинг яна бир қатор моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар ҳамда 1 янги модда киритилди. Уларға асосан сайлов округлари ва участкаларини тузиш тартиби, комиссияларда аъзолик, Ўзбекистон Республикаси Президентлигиға номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи, сайловолди ташвиқоти, сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш, округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш, Президент сайлови натижаларини аниқлаш ва белгилаш, Президент лавозимига киришишға оид ҳуқуқий муносабатлар янгича мазмун касб этди.

2015 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қонунға мувофиқ, «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтқизишда» қонунға ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, қамқода сақлаш жойларида сайлов участкаларини ташкил этиш, номзодларни рўйхатға олиш учун тўпланадиган сайловчилар имзоларининг миқдорини камида

беш фойиздан бир фойизға камай-тириш, сайловолди ташвиқотини олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари, овоз бериш тартибига ўзгариш киритилди.

— Шу ўринда савол туғилади. Мамлакатимизда амалда бўлган сайлов қонунчилиги халқаро сайлов стандартлариға, умумэтироф этилган меъёрларға қай даражада мос келади?

— Албатта, мамлакатимизда амалда бўлган ёки қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари халқаро меъёрларға тўла мос келади. Хусусан, сайлов қонунчилиги ҳам. Мисол учун, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжазон декларациясининг 21-моддасига кўра, ҳар бир инсон ўзи яшаётган давлатнинг бошқарувида бевосита ёки эркин сайланган вакиллар орқали қатнашиш ҳуқуқиға эгадир. Халқ иродаси хоҳиш-иродасининг асоси бўлмоғи керак, бу ирода даврий ва сохталаштирилмаган, умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиш лозимлиги назарда тутилган.

БМТ томонидан қабул қилинган яна бир ҳужжат — «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро пактининг 25-моддасига мувофиқ, ҳар бир фуқаро камситиларсиз ҳамда асоссиз чекловларсиз ҳам бевосита, ҳам эркин сайланган вакиллар орқали давлат ишларини бошқаришда қатнашиш, умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш орқали ўтказиладиган ва сайловчиларнинг эркин ҳолдаги хоҳиш-иродасини таъминловчи чинакам даврий сайловларда овоз бериш ва сайланиш ҳуқуқиға эга бўлиши кўрсатилган.

Шунингдек, Парламентлараро иттифок Кенгаши томонидан қабул қилинган «Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисида»ги декларациянинг 1-моддасида ҳар қандай давлатда ҳокимият халқнинг умумий, тенг ва яширин овоз бериш асосида мунтазам вақт ораллиғида ўтказиб туриладиган ҳақиқий, эркин ва адолатли сайловларда билдирадиган хоҳиш-иродасидан келиб чиқади, деб белгиланган. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген ҳужжатида демократик сайлов принциплари кўрсатиб ўтилган бўлиб, улар универсаллик, тенглик, эркинлик, адолатчилик, яширинчилик, очиклик ва ҳисобдорлик каби тамойилларда ўз ифодасини топган.

Мазкур халқаро ҳужжатларда назарда тутилган қоидалар «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтқизишда» қонунда ҳам ифодаланган. Хусусан, ушбу

қонунда президентлик сайловларини ўтказиш принциплари ва фуқароларнинг сайловларда иштирок этишининг ҳуқуқий кафолатлари мустаҳкамланганини таъкидлаш лозим. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилиши, фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш бўйича сайловолди кампаниясида ва овоз беришда ихтиёрий равишда иштирок этиши ҳамда уларнинг хоҳиш-ирода билдиришлари устидан назорат ўрнатилишиға йўл қўйилмаслиги қатъий белгилаб қўйилган.

— Маълумки, Президент сайловини ўтказишда Марказий сайлов комиссияси асосий ўрин тутайди. Мазкур орган фаолиятини тартибга солишчи қонун ҳужжатлари ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари зиммасига юклатилган бўлиб, улар ўз фаолиятини очик ва ошкора амалга оширади.

Марказий сайлов комиссияси Конституцияимизнинг 117-моддасига мувофиқ, сайлов ва референдум ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тузиладиган ва доимий асосда фаолият кўрсатувчи конституциявий орган ҳисобланади. Қонунға мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси сайлов округларини, округ сайлов комиссияларини, округ сайлов комиссиялари эса сайлов участкаларини, участка сайлов комиссияларини тузади.

Ушбу қоидаларнинг амалий ифодаси сифатида 2016 йил 15 сентябрда Марказий сайлов комиссияси қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи 14 сайлов округи тузилди.

Қонунчиликка кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентлигиға номзод кўрсатиш ҳуқуқиға фақатгина сиёсий партиялар эгадир. Мазкур қоида сиёсий партияларни сайлов жараёнининг энг фаол иштирокчисига айлантириб, уларнинг давлат ва жамият ишларида фаоллигини янада оширишға хизмат қилади. Жорий йилнинг 19-20 сентябрь кунлари Президент сайловида қатнашиш учун барча сиёсий партиялар Марказий сайлов комиссиясига ўз ҳужжатларини тақдим этди.

Хусусан, ушбу органға сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия рўйхатға олинганлиги кўрсатилган

маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигиға бўлажак номзод тўғрисидаги маълумот берилди.

— Сайловчилар энг муносиб номзодға овоз беришида сайловолди ташвиқоти катта аҳамият касб этади. Қонунчиликда бу борада нималар кўзда тутилган?

— Аввало, шунини айтиш керакки, қонунчиликда Ўзбекистон Республикаси Президентлигиға номзодлар томонидан сайловолди ташвиқоти олиб боришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва сайловолди ташвиқотида тенг имкониятлар кафолатланган. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида» қонунға мувофиқ, сайловолди ташвиқоти Президентликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатға олинган кундан эътиборан бошланади. Сайловға бир кун қолганида сайлов ташвиқоти олиб борилишиға йўл қўйилмайди. Бу эса сайловчилар ўзи танлаган номзодини бошқа номзодлар билан солиштириб, яқиний хулосаға келишиға имконият яратайди. Сайловолди ташвиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигиға номзодларға, сиёсий партияларға Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда, сайловчилар билан учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқлар берилди.

Сайловолди ташвиқотини номзодлар номидан уларнинг ишончли вакиллари ҳам олиб бориши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентлигиға номзод 15 нафарға қадар ишончли вакилларға эга бўлишға ҳақиқидир. Ишончли вакиллар номзодға сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам беради, уни Президент этиб сайлаш учун тарғибот олиб боради. Давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Президентликка номзодларға сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатади.

Хулоса сифатида айтиш керакки, мамлакатимизда эркин ва адолатли сайловлар ўтказиш бўйича ҳуқуқий асослар тўла-тўқис яратилган. Сайловлар халқнинг эркин тарзда ифода этиладиган хоҳиш-иродасини аниқлайди ва унинг бевосита рўйбга чиқишини таъминлайди. Ўзбекистон сайлов қонунчилиги сайловчиларға номзодларни танлаш ва эркин сайлаш имконини беради. Бу эса фуқароларимизнинг сайловда фаол иштирок этишиға хизмат қилади.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Нурали ОРИПОВ суҳбатлашди.**

## ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Инсон чинакам бахт-саодатни оила-сидан топади. Ёш авлоднинг баркамол бўлиб улғайишида оиладаги муҳит ва тарбия муҳим ўрин тутайди. Шу боис мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлашға, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишға алоҳида эътибор қаратиляпти.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан ташкил этилган давра суҳбатида шу ҳақда фикр алмашилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, мутасадди ташкилотлар масъул ходимлари иштирок этди.

## СОҒЛОМ ВА БАХТЛИ ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ



**Саттор РАХМАТОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎЗДП фракцияси аъзоси:

— Истиқлол йилларида мазкур йўналишда 10 дан ортиқ қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилгани, шунингдек, соҳаға оид 100 дан зиёд фармон ва қарорлар қабул қилингани юртимизда оиланинг ҳуқуқий асослари яратилганлигини кўрсатмоқда.

Аҳоли, айниқса, фарзандларимиз саломатлигини асраш борасида кейинги йилларда қатор қонунлар қабул қилинди, айримларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида» қонунға киритилган ўзгаришлар йод етишмаслиги оқибатида келиб чиқадиған касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизда спорт, жумладан, болалар спортини янада ривожлантириш, шу орқали келажақ авлод саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида навбатдаги муҳим қадам бўлди.

**Маҳмуда КАТТАХЎЖАЕВА,**  
Республика аҳоли репродуктив саломатлиқ маркази директори, профессор:

— Соғлом ва баркамол авлодни вояға етказишда оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масаласи биринчи ўринда туради. Ўтган давр мубайнида «Соғлом она — соғлом бол» гоясини ўзида муқассам этган дастурлар асосида кенг қўлламчи чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётға татбиқ этилди. Натижада скрининг, перинатал ва репродуктив марказлар каби янги, замонавий тиббий муассасалари ҳамда уларнинг худудий филиаллари фаолияти йўлга қўйилди.

Республикаимизда кейинги 10 йилда турма нуқсонни бўлган болалар сонини 1,3 баробарға, 6-15 ёшли ўғил-қизлар орасида ўткир юқумли касалликлар 34,4, пневмонияға чалиниш 49,7, бронхит 32,8, сколиоз билан касалланиш 32,7 фойизға камайди.

2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш Давлат дастури асосида аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, сифатли тиббий хизматлардан кенг ва тенг фойдаланишни таъминлаш, тиббий кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича тизимли ишлар амалға оширилди.

Аммо олдимизда янада муҳим вазифалар турибди. Хусусан, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилишға оид ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, олис ва чека худудларда, мураккаб иқлим шароитида яшаётган аҳоли, аввало, аёллар ва болалар учун ижтимоий, маиший, тиббий шароитларни яхшилаш, фертил ёшдаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларни соғломлаштириш тадбирларини изчил давом эттириш зарур, деб ўйлайман.

Давра суҳбатида депутатлар ва мутахассислар соҳаға оид қонунчиликни такомиллаштириш масалалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**Гулрух ОДАШБЕКОВА,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## ЎЗДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

# ТИНЧЛИК — ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТ

Ҳар йили 21 сентябрь дунёда Халқаро тинчлик кунини сифатида нишонланади. Бу ҳақда Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеяси томонидан 1981 йилда қарор қабул қилинган.

Тинчлик... Бу сўз замирида олам-олам маъно муҳассам. Хотиржамлик, осуда ҳаёт ҳукм сурмаган жойда эртанги кунға умид, келажакка интилиш бўлмайди. ЎЗДП Яққасарой туман кенгашида ёшлар иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбатиде шу ҳақда сўз юритилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг замирида инсон

манфаати, энг аввало тинчлик-фаровонлик гояси туради. Ҳамюртларимиз, хусусан, ёшларнинг турли соҳаларда ютуқларини қўлга киритишида ҳам минтақамиздаги барқарорлик асосий омил ҳисобланади.

— Биз, истиқлол фарзандлари тинчлик оғушида яшаймиш, — деди **Республика эстрада-цирк коллежи ўқувчиси Фаррух Раҳматжонов**. — Тарихий манбалардан ўқиб,

ёши улғу инсонлардан эшитганларимиздан маълумки, бундай осуда кунларға осонлик билан эришилмаган. Шунинг учун тинчликни кўз қорачиғидек асрашимиз, доим оғош ва хушёр бўлиб яшаймиш лозим, деб ўйлайман.

— Тижорат-тадбиркорлик коллежининг 3 босқичида ўқияман, — деди **Мадина Турсунова**. — Мен таҳсил олаётган даргоҳда келажакда ўзининг бизнесини йўлга қўйишни режалаштирган, ҳатто ҳозирда ноқ бу ишни бошлаган иқтидорли йигит-қизлар кўп.

Улар ўз олдиға улкан мақсадлар қўйиб, юксак марралар сари интилоқда. Бу энг биринчи навбатда тинчликнинг меваси, деб биламан.

Давра суҳбатиде **ЎЗДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Нилуфар Юлдашева, сектор мудири Нодира Ғофурова, туман партия кенгаши раиси Бурхон Хайдавалов** ҳамда коллеж ўқитувчилари тинчлик, унинг инсон бахту иқболида тутган ўрни, ҳаётимиздаги кадр-қимматини ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Халқимиз учун тинчлик ва



омонлик энг улғу неъмат экани таъкидланди.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар ҳамда «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгаши ҳамкорлигида Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда ҳам

«Тинчлик ва хавфсизлик учун бирға курашамиз» мавзусида тадбир ўтказилди. Унда талабалар ва ўқувчилар иштирок этишди.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.



1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ  
ВА МУРАББИЙЛАР  
КУНИ■ Ўз қадрига, ўз шаънига эга инсон ҳаётда ҳар қандай  
тўсиқ ва қийинчиликларни енгиб ўта олади.ЎЗБЕКИСТОНДА  
ИНТЕРНЕТ  
ФОЙДАЛАНУВ-  
ЧИЛАРИ13 миллиондан  
ошди

Тошкентда ўтказила-  
ётган ICTSUMMIT 2016  
ахборот-коммуникация  
технологиялари самми-  
тида сўзга чиққан Ах-  
борот технологиялари  
ва коммуникациялари-  
ни ривожлантириш  
вазирининг биринчи  
ўринбосари Алишер  
Файзуллаев ушбу  
маълумотни тақдим  
этди, дейилади  
«Газета.uz» сайтида  
берилган хабарда.

Республика аҳоли пункт-  
ларининг 92 фоизи мобилъ  
алоқа билан қамраб олин-  
ди, абонентлар сони эса  
20,8 миллионга етди. Халқ-  
аро алоқа тармоқларига чи-  
қиш тезлиги қарийб 35  
Гбит/с (2015 йил сўнгига —  
26,4 Гбит/с)га етди.

Рақамли радиорелели  
тармоқлар ва оптик толали  
алоқа тармоқлари узунлиги  
23,4 минг километри таш-  
кил қилмоқда. Жумладан,  
оптик толали алоқа тармоқ-  
лари узунлиги 17,9 минг ки-  
лометрдан 18,9 минг кило-  
метрга етказилди.

КЎЗ  
КАСАЛЛИГИНИ  
ДАВОЛАШНИНГ ЯНГИ  
УСУЛИ ИХТИРО  
ҚИЛИНДИ

Ўзбекистонда ҳам  
птеригиум кўз касалли-  
гига чалинган беморлар  
учраб туради.

Интеллектуал мулк агент-  
лиги матбуот хизмати хабар  
беришича, Муҳаммадсултон  
Рустамов ушбу касалликни  
жарроҳлик йўли билан да-  
волаш тизимини ихтиро  
қилди ҳамда шу йўл билан  
касаликнинг тулиқ давола-  
нишига эришиш мум-  
кинлигини исботлади.

Муаллифга ушбу ихтиро  
учун патент берилди.

Бу иқтибослар  
мамлакатимиз  
Биринчи Президен-  
ти Ислам Каримов-  
нинг «Ўзбекистон  
мустақилликка эри-  
шиш оstonасида»  
китобидан. Улар  
эртанги ҳаёти учун  
кафолат сўраётган  
халқимиз қошида,  
шиддатли кураш-  
лар, тинимсиз баҳс  
ва мунозаралар  
чоғида, аччиқ  
ҳаётий тажриба-  
ларда айтилган.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗДАН КЎРА КУЧЛИ,  
БИЛИМЛИ ВА БАХТЛИ БЎЛИБ ЎСМОҚДА

Бир тасаввур қилайлик: ўша  
вақтда республикада гоёт қал-  
тис ва носоғлом вазият ҳукм-  
рон эди. Хўш, шундай ўта му-  
раккаб ва хатарли, халқимиз-  
нинг бир бурда нон топиши ул-  
кан машаққатга айланган оғир  
шароитда Ўзбекистон раҳбари  
қанча мураккаб иқтисодий-си-  
ёсий масалалар турганда, нега  
мамлакат тақдири ва келажа-  
гини ҳал этадиган энг муҳим  
масалалардан бири сифатида  
айнан таълим тизимига эъти-  
бор қаратди? Бунинг жавоби  
оддий: ёшлар ҳамиша жамият-  
нинг энг муҳим бойлиги ва уни  
ҳаракатга келтирувчи куч  
бўлган. Ёшлар қамолотида  
йўналтирилган сарможа кела-  
жака сармоядир.

Шу боис мамлакатимизнинг  
Биринчи Президенти бу бора-  
даги концептуал ёндашулар,  
амалий фикр-мулоҳазалар,  
қатъий ҳулоса ва тақлифлар  
яқини мураккаб, кескин ва  
инқирозли вазиятда — 1990 йил  
4 августдаги катта мажлисда  
улкан донишмандлик, фидойи-  
лик ва жасорат билан кун тар-  
тибига қўйди: «...Бизга кадр-  
лар тайёрлашнинг махсус ми-  
ллий дастури керак». Ҳа, бугун  
жаҳон жамоатчилиги кенг эъти-  
роф этаётган, дунёда ўхшаши  
кам Ўзбекистоннинг Кадрлар  
тайёрлаш миллий дастурига  
хали мамлакатимиз мустақил  
бўлмай туриб асос солинган-  
дир.

Президент Ислам Каримов  
мустақиллик даврида имзо че-  
ккан илк фармонлар ўқитувчи-  
ларни ижтимоий жиҳатдан  
химоя қилишга қаратилди:  
уларнинг уй-йўллари текин ҳу-  
сусийлаштириб берилди, қатор  
солиқ ва тўловлардан озод  
этилди. Ер участкалари, қури-  
лиш материаллари тақсимила-  
наётганда биринчи навбатда  
ўқитувчиларга берилсин, де-  
йилди. Бу орада муаллимлар-  
нинг машоарли бир неча ма-  
ротаба оширилди. «Соғлом ав-  
лод учун» ордени таъсис этил-  
ганда ҳам давлат ўқитувчи-  
педагогларни маънавий рағбат-  
лантириш кўзда тутилганди.

Мустақилликнинг илк йилла-  
рида бошланғич синфда ўқиган-  
лар яхши эслайди: ўша пайт-  
ларда қишга бориб, мактабимиз-  
га қатнайдиغان болалар сийрак-  
лашиб кетарди: кимнинг усти  
юпун, кетининг оёғи. Боз усти-  
га синфхоналар исимаиди.  
Чунки ўша йилларда мактаблар-  
нинг 43 фоизи эски шийпон ёки  
қандайдир бирор мослаштирил-  
ган иморатда жойлашганди.  
Кадрлар тайёрлаш миллий дасту-  
рининг узвий ва мантқий да-  
воми бўлиши Мактаб таълими-  
ни ривожлантириш давлат  
умумийлиги дастури доираси-  
да 2004-2009 йилларда 8501,  
2010-2016 йилларда 2226 мак-  
табда қурилиш-таъмирлаш иш-  
лари амалга оширилди.

Энди мактабга борган пайт-  
ларимни эсласам, бутун бошли

синф икки-уч дарсликни нав-  
бат билан ўқигани кўз олдимга  
келади. Дарслик яна қўлимиз-  
га келганда, чорак тугаган  
бўларди. Бугун ҳар йили ўрта-  
ча 26-28 миллион нусхада  
дарслик ва ўқув-методик қўл-  
ланмалар, уларнинг мультиме-  
диа иловалари умумтаълим  
мактабларида етказилмоқда.

Учинчи синф эдик. Бирдан  
дафтар қамайиб, нархи ошиб  
кетди. Айрим синфдошларим  
картон қоғозларга консепт  
қиларди. Ота-онам ўқитувчи  
бўлгани учун уйимизда иншо-  
диктант мўл эди — бариди  
ёзилмаган бир варақ бор-да.  
Бир кун эринмай, шулардан  
оппоқ варақларни йиртиб,  
тўппадим. Онам муқова қўйиб,  
машинада тикиб берди: «Йўл-  
йўл»-ми, каттаки — аралаш  
бўлса-да, салкам 200 бетлик  
умумий дафтар. Онам «буна-  
қасини хатто бозорда сотмай-  
ди», деб қўлиб бошимни сила-  
ди. Кейин йўлга... Бугун ман-  
зара буткул бошқача: ҳар йили  
ташқил этилаётган мактаб яр-  
маркаларида 26 турдаги зарур  
ўқув қуроллари ва жиҳозлари  
сотуви йўлга қўйилмоқда. Бир-  
гина жорий йилнинг ярмида  
44,4 миллион донга ёзув даф-  
тари миллион чеккалар. Расм,  
кундалик ё ёзув дафтарлари  
ҳақида гап кетса, энди асосан  
уларнинг экологик тозаллиги ва  
сифати, муқовасининг миллий  
кадриятларимизга мос, ўқувчи-  
ёшлар онига ижобий таъсир  
кўрсатувчи юртимиз манзара-  
лари, буюқ аллоамаларимиз су-  
ратлари билан безатилгани бо-  
расида бош қотирамиз.

— Ўттиз икки йил олдин  
мактабда иш бошлаганим,  
бирок компьютер ўзи нимали-  
ги ҳақида умумий тасаввурим-  
из бор эди, холос, — дейди  
Чилонзор туманидаги 90-уму-  
мий ўрта таълим мактабининг  
информатика фани ўқитувчиси,  
Ўзбекистон халқ ўқитувчиси  
Бахтиёр Каримов. — Ўша вақт-  
лар таълим тизимидаги илк  
компьютер — «Правец-8А»ни  
зўр бериб ўрганаётган вақти-  
миз у Европада аллақачон э-  
скириб улгурганди. 1985 йилдан  
«компьютерли автобус»лар  
йўлга қўйилди: йирик компю-  
терни ортган автобус мактаб-  
ларга келар, уларга мактаб  
ўқувчилари чиқарилиб, дарс  
ўқитарди. Бу ҳам бўлиб, Тош-  
кентда 2-3 та бўлиб, болалар  
«компьютерли автобус» қачон  
келаркан, деб кўз тикиб ўтири-  
шарди. Бугун ўқувчилар қўлида  
миникомпьютер — замонавий  
мобил телефон, мактаблари-  
мизда 1-синфдаёқ барча фан  
тўлиқ илгор педагогик ва ах-  
борот-коммуникация техноло-  
гиялари асосида ўқитилмоқда.

Яна бир гап: илгари, одат-  
да, шахар ва унга яқин худуд-  
лардаги мактабларда ўқиган  
болаларгина чет тилларини  
пўхта ўзлаштирарди. Бугун бу  
борадаги тафовут кун сайин  
қисқармоқда. Биринчи  
Президентимизнинг 2012 йил

10 декабрдаги «Чет тилларни  
ўрганиш тизимини янада тако-  
миллаштириш чора-чадбирла-  
ри тўғрисида»ги қарорига кўра  
2013-2014 ўқув йилидан мак-  
табларимизда чет тиллари 1-  
синфдан бошлаб ўқитила бош-  
ланди. Бунинг самарасида бу-  
гун 1-синф ўқувчилари чет ти-  
лидаги 150 сўзни, 2- ва 3-синф  
ўқувчилари эса ўқиб, ёзиш ва  
чет тилида мулоқотда бўлиши  
ни (400 сўз) ўрганмоқда. Умум-  
таълим мактаблари бошланғич  
синф ўқувчиларининг 5-6-синф  
ўқувчиларига нисбатан оғзаки  
нутқа сўзлар лугати бойлиги,  
талаффузи ва сўз бирикмала-  
ридан фойдаланиш даражаси  
бўйича устунилик кузатишмоқда.

«ПОРТЛАШ  
ЭФФЕКТИ»НИНГ ҲАЁТИЙ  
САМАРАЛАРИ

Кадрлар тайёрлаш миллий  
дастуридан асосий қўтилган на-  
тижалар нима эди? Биринчи  
Президентимиз Ислам Каримов  
бунинг 1998 йили «Тафаккур»  
журнали бош муҳаррирининг  
саволларига берган жавоблари-  
да шундай ифода этганди:  
«Ишончим комил: агар бу  
ислохотни муваффақиятли  
равишда амалга ошира ол-  
сак, тез орада биз ҳаёти-  
мизда ижобий маънодаги  
«портлаш эффектига, яъни  
унинг самарасига эриша-  
миз»...

Бу «портлаш эффекти»нинг  
биринчи самараси — **ИЖТИМОЙ-  
СИЁСИЙ ИҚЛИМГА ИЖОБИЙ  
ТАЪСИР ҚИЛДИ**: фарзандлари-  
мизнинг ҳар дақиқа вақти унум-  
ли, фойдали ва самарали маш-  
гуллатлар билан тўлдирилди. Бу  
мамлакатимиздаги мавжуд му-  
ҳитни бутунлай ижобий томон-  
га ўзгартирди. Масалан, бугун  
умумтаълим мактабларида 150  
мингдан ортиқ фан тўғрақла-  
ри ташқил этилган. Уларга 2,8  
миллиондан зиёд ўқувчилар  
қамраб олинган. Мамлаката-  
миздаги 211 «Баркамол авлод»  
болалар марказидаги 5 минг-  
дан ортиқ техник, бадий ижо-  
дий, ўлқашунослик ва эколо-  
гия йўналишларидаги тўғрақ-  
ларда 114 мингга яқин ўқувчи-  
ёшлар қизиқишлари бўйича  
бошланғич касб-хўнар сирла-  
рини ўрганмоқда. Истиқлол  
йилларида 300 га яқин мусика  
ва санъат мактаблари, 1,9  
мингдан зиёд спорт иншоот-  
лари бунёд этилди. Сўнгги ўн  
йилда болалар ва ўсмирлар  
ўртасида спорт билан мунта-  
зам шугулланиш даражаси 30  
фоиздан 57 фоизга, қизлар  
ўртасида 24 фоиздан 47 фоиз-  
га етди. Болалар мусика ва  
санъат мактабларида 2008 йили  
38 минг ўқувчилар қамраб  
олинган бўлса, жорий йилда бу  
кўрсаткич 59,3 минг нафарни  
ташкил этмоқда. Буларнинг са-  
марасида мустақиллик йилла-  
рида мамлакатимиз мактаб  
ўқувчилари халқаро фан олим-  
пиадаларида 253 медаллар шо-  
дасини (шундан 20 таси олтин),  
турли нуфузли халқаро мусика

ва санъат танловларида 47 та  
Гран-при, 310 та 1-урин, 182  
та 2-урин ва 194 та 3-уринни  
қўлга киритди. Халқаро спорт  
мусобақаларида ўзбекистонлик  
ўқувчилар 2,1 мингдан зиёд ме-  
далларга эга чиқди. Улардан  
843 таси олтин медаллардир.

— Сиз айтган «портлаш эф-  
фекти»нинг яна бир самараси  
— Ўзбекистонда 9+3 схемаси  
бўйича 12 йиллик умумий маж-  
бурий бепул таълим тизими  
жорий этилган, **инсоннинг  
ҳаётда ўз ўрнини топиш жа-  
раёни тезлашди**, — дейди  
Ўзбекистон Қарамони, Қарши  
шаҳридаги 2-ихтисослаштирил-  
ган умумий ўрта таълим мак-  
таб-интернатининг математика  
фани ўқитувчиси Муҳаббат  
Шарапова. — Бугун умумтаъ-  
лим мактабини битирган бола-  
лар касб-хўнар коллежлари ва  
академик лицейларда тахсил  
олиб, фанлар билан бирга ме-  
хнат бозорига талаб қилинади-  
ган 2-3 мутахассислик бўйича  
касб-хўнар ҳам эгалламоқда.  
Чунки ҳар қандай ўсмир энди  
вояга етиб келаётган даврида  
жамиятдан муносиб ўрнини  
топа олмаса, бу нохуш оқибат-  
ларга, баъзан оғир ижтимоий  
ларзаларга сабаб бўлиши мум-  
кин. Бугун йигит-қизларимиз-  
нинг ишда, турмушда, оила ва  
жамоа орасида ўз ўрнини топа  
олаётгани уларнинг жамиятда  
ўз қадрига, ўз шаънига эга  
инсон ҳаётда ҳар қандай тўсиқ  
ва қийинчиликларни енгиб ўта  
олади. Ўз фикри, мақсоди ва  
орзуларига эга инсон ҳеч қачон  
бекорор ва салбий таъсирлар-  
га берилмайди, шахс сифати-  
да емирилмайди. Ўзбек мил-  
лий таълим модели орқали, ав-  
вало, ана шу вазиятнинг олди  
олинди. Чунки маълум ихтисос-  
га эга бўлиб, ҳаётга йўланма  
олган, дунёга умид билан  
қадам қўйиб келаётган навни-  
ҳол инсон ҳаётда муносиб  
ўрнини топса, турмушдан, тақ-  
дирдан, Ватанидан рози  
бўлиб яшайди, умр бўйи бун-  
ёдкорлик билан машғул бўла-  
ди.

БИЛИМ — БУТУН ҲАЁТ  
ДАВОМИДА ҲАР БИР  
ИНСОН УЧУН

Яқинда БМТ Бош қотиби  
нинг 8 сентябрь — Халқаро са-  
водхонлик кунини муносабати  
билан йўллаган мурожаатида-  
ги мана бу рақамларга эъти-  
бор берайлик: «дунёда 750  
миллион киши саводсиз, улар-  
дан 115 миллиони ёшлардир.  
Удан бир қисми — аёллар.  
250 миллионга яқин мактаб  
ёшдаги болалар асосий қўни-  
чаларга эга эмаслар, 124 мил-  
лион бола ва ўсмир умуман  
таълим олиш имкониятига эга  
эмас...».

Ҳа, бугун жаҳоннинг турли  
минтақаларидаги инқирозлар  
оқибатида миллионлаб ёшлар  
мактаб оstonасини ҳатламай  
кўчада катта бўлмоқда.

Ваҳоланки, уларнинг бирорта-  
си иқтидордан — нимагадир  
қодирликдан мосуво, дея ол-  
маймиз. Чунки ҳар фарзанд  
қалбиди бир даҳо яшайди.  
Бирок иқтидорнинг шакллани-  
ши, истеъдод сифатида намо-  
ён бўлиши, аввало, ўша мам-  
лакатда ёшларнинг қамол то-  
пиши учун қай даражада им-  
коният ва шароит яратилгани-  
га боғлиқ.

Шукрки, бу борада мамла-  
катимиз ёшлари — бахтли бо-  
лалар. Ўзбек таълим тизими  
— ўз келажагини қўлаб йўлга  
чиққан ёш авлод учун интилиш  
ва маҳорат бешиги бўлаётган-  
лини бугун жаҳон ҳамжамияти  
ҳақи равишда эътироф этмоқ-  
да. Биргина 2012 йил 16-17  
феврал кунлари Тошкентда  
ўтган «Юсак билимли ва ин-  
теллектуал ривожланган ав-  
лодни тарбиялаш — мамлакат-  
ни барқарор тараққий эттириш  
ва модернизация қилишнинг  
энг муҳим шарт»и мавзусидаги  
халқаро конференция яқиний  
ҳужжати — резолюциясини эс-  
лайлик. Ушбу халқаро ҳужжат-  
да муҳим бир жиҳат алоҳида  
таъкидланган: Ўзбекистонда  
Кадрлар тайёрлаш миллий  
дастури «**Билим — бутун ҳаёт  
давомида ҳар бир инсон  
учун**» концепциясига асосла-  
нади. Чунки мамлакатимизда  
таълим-тарбия соҳасига ҳар  
йили сарфланаётган харажат-  
лар ялли ички маҳсулотнинг  
10-12 фоизини ташкил этмоқ-  
да. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакат-  
ни барқарор ривожлантириши  
таъминлаш учун таълимга  
йўналтирилиши зарур бўлган  
инвестициялар мақдори бўйи-  
ча тегишли тизимларидан,  
яъни 6-7 фоиздан қарийб 2 ба-  
роробар кўп.

Мамлакатимизда таълим-  
тарбия, илм-фан ривожига,  
ёшларимизнинг чуқур билим-  
га эга бўлиши, чет тилларини  
ва замонавий ахборот-комму-  
никация технологияларини  
пўхта эгаллашни таъминлаш-  
га бугун ҳам давлат сиёсати-  
нинг устувор вазифаси сифа-  
тида қаралмоқда. Бу яна минг-  
миңлаб истеъдоднинг сайқал  
топиши, маҳоратлар қаржлани-  
ши, булоқлар кўз очилиш де-  
макдир. Танлаган соҳаси сир-  
ларининг охирига етишни ис-  
таган бу ёшларнинг ўши сўзи-  
га, сўзи амалига, амали уйига  
уйғун. Зотан, мақола аввали-  
да эслаганимиз «**Фарзандла-  
римиз биздан кўра кучли,  
билимли, доно ва албатта,  
бахтли бўлишлари шарт**»  
ғояси халқимиз умр мазмуни-  
нинг ўзаги бўлгани учун ҳам  
кундалик ҳаётимизда чуқур  
ўрнашиб, амалий ишларга  
кўчи ва элимиз омон экан,  
халқимиз қалбиди не-не ав-  
лодлардан мерос енгилмас куч  
— юсак маънавият ўз сўзини  
айтаверадимиз.

Умид ЁКУБОВ,  
Ўза шарҳловчиси.

ЎЗГАРАЁТГАН  
ДУНЁМИСР  
ҚИРҒОҚЛАРИ  
ЯҚИНИДА110 нафардан кўпроқ  
муҳожир чўкиб кетди

Миср қирғоқлари яқинида му-  
ҳожирларни олиб кетаётган кема  
ҳалокатга учраши оқибатида 115  
киши нобуд бўлди. Бу ҳақда Ин-  
терфакс ахборот агентлиги ха-  
бар берди.

Қутқарувчилар 155 кишини  
сувдан олиб чиқишга муваффақ  
бўлган. Миср бош вазири барча  
кучлар одамларни қутқаришга  
йўналтирилишини ҳамда айбдор-  
лар жавобгарликка тортилишини  
маълум қилди.

Кемадаги 600 киши Африка  
мамлакатларидан йиғилган муҳо-  
жирлардан иборат бўлиб, тах-  
минларга кўра, Италияга йўл ол-  
ган экан.

ХИТОЙДА  
БИРИНЧИ

Ген банки очилди



22 сентябрь кунини Хитой жа-  
нубиди Гуандун провинцияси-  
нинг Шэньчжэнь шаҳрида бирин-  
чи миллий Ген банки ўз ишчи  
бошлади. Бу ҳақда ТАСС ахбо-  
рот агентлиги хабар бермоқда.  
Банк 47,5 минг квадрат метр  
майдонни эгаллаб, у ерда гене-  
тик маълумотлар базаси ва био-  
логик намуналар омбори жой-  
лашган.

Мутахассислар келажақда  
мазкур банкини кенгайтириш ва  
омборлар сифатини ошириш ни-  
ятида.

— Биз Хитойдаги ва бутун  
дунёдаги энг йирик биоматериал-  
лар базасига айланишни, жонли  
табиатга оид маълумотларни  
қайта ишлаш соҳасида Google му-  
қобилини яратишни истаймиз, —  
деди «Хуада» геномика институти  
директори Сюй Сюнь.

Ҳозирги пайтда Шэньчжэнь  
Ген банкида 10 миллион биоме-  
риал намуналари бор, у 60 пе-  
табайт маълумот сақлашга қодир.  
Ушбу кўрсаткични 500 петабайт-  
га етказиш режалаштирилмоқда.

ТАЛАБАЛАР  
ЯЛПИтекширувдан  
ўтказилади

Филиппин ҳукумати барча  
олий таълим муассасаларида  
талабаларни мажбурий текши-  
ришдан ўтказишни режалаш-  
тирмоқда. Ушбу чора мамла-  
катда наркотика қарши кура-  
ш мақсадида қўлланилмоқда.  
Бу ҳақда universityworldnews.com  
сайти хабар бермоқда.

Мазкур текширувни ўтказиш  
ғояси мамлакат президенти бар-  
ча талабаларни мамлакатни ги-  
ёҳванд моддалардан холи ҳудуд  
қилишга қақиргандан кейин пай-  
до бўлди.

2016 йил май ойида сайлан-  
ган Филиппин Президенти Род-  
риго Дутерте гиёҳвандликка  
қарши курашни ўз сиёсатининг  
асосий йўналишларидан бири  
сифатида белгиланган.



# РИО — 2016

## Ўзбекистонда инсон қадри ҳамиша баланд.



# МАТОНАТЛИ СПОРТЧИЛАРИМИЗ МУНОСИБ РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Бугун қаерга борманг, халқимиз паралимпиячиларимиз ҳақида ифтихор билан гапирмоқда. Уларнинг матонати, жасорати тўғрисида тўлқинланиб фикр билдиришяпти.

Сўнгги бир ойда мамлакатимиз спортчиларининг улкан ютуқлари бир-бирига улашиб кетди. Дастлаб XXXI ёзги Олимпия ўйинлари қаҳрамонларини олқишлаган бўлсак, энди навбат паралимпиячиларимизга келди.

Пойтахтимиздаги Олимпия шон-шўхрати музейида XV ёзги Паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

2016 йилнинг 7-18 сентябрь кунлари Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган XV ёзги Паралимпия ўйинларида иштирок этган спортчиларимиз 8 олтин, 6 кумуш ва 17 бронза медални қўлга киритди. Бунинг натижасида 160 дан ортиқ давлат орасида умумжамоа ҳисобида 16-ўринни эгалладик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 19 сентябрдаги Фармойишига мувофиқ Паралимпия ўйинларининг ғолиб ва совриндорларига пул мукофотлари ажратилди. Шунингдек, уларга Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Олимпиячиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан «Malibu» маркали энгил автомобиллар тақдим этилди.

Мирабдор УСМОНОВ, Миллий Олимпия қўмитаси президенти:  
— Ўзбекистонлик спортчиларнинг энг катта ютуғи шунда-

ки, уларнинг қалбида Ватанига, Халқига, Президентига бўлган кучли муҳаббат бор. 2016 йил ўзбек спорти тарихида янги саҳифалар очди. Ютуқлар яхши. Лекин уларни давом эттириш, янада юксалтириш ундан ҳам муҳимдир. Бугун биз ҳаммамиз бир тану бир жон бўлиб, келажақда ўтказиладиган мусобақаларда бу натижалар тасодиф эмаслигини исботлашимиз керак. Куни кеча Токио олимпиадасига тайёргарлик кўриш тўғрисидаги ҳужжатга имзо чекдим. Бу кейинги олимпиада учун ҳаракат бошлаб юборилганини кўрсатади. Умид қиламизки, Японияда бундан ҳам юксак марраларни забт этамиз.

**Фирдавс МУСАБЕКОВ,**  
Паралимпия ўйинлари ғолиби:

— Халқимизга, ҳукуматимизга барча спортчилар номидан катта раҳмат айтмоқчиман. Бизнинг бу ютуқларга эришишимизда, Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг бебаҳо хизматлари бор. У кишининг спортга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги туфайли улкан натижаларга эришдик. Мамлакатимизда

барча талабларга жавоб берадиган спорт комплекслари қурилган. Уларда шуғулланган, тобланган спортчилар бугун дунё миқёсидаги мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда. Очигини айтганда, ана шундай имкониятларга эга бўла туриб, чемпион бўлмасликнинг ҳам илоҳи йўқ.

**Севинч САЛАЕВА,**  
Паралимпия ўйинлари бронза медали соҳиби:

— Мен Паралимпия ўйинлари совриндори бўлганимдан жуда бахтиёрман. Куни кеча юртимизга қайтиб келдик. Бугун Олимпия шон-шўхрати музейида бизни кутганимиздан ҳам ортиқ тақдирландим. Ўзбекистондек юрт ҳеч қаерда йўқ. Халқимизга, мураббийларимизга, ота-онамизга мингдан-минг раҳмат.

**Ўткиржон НИҒМАТОВ,**  
Паралимпия ўйинлари ғолиби:

— Албатта, ҳар бир спортчи ўз олдида юксак мақсадлар қўяди. Олимпиадада иштирок этишни, ғалаба қозонишни ҳамма истаيدди. Мен ҳам Паралимпия ўйинларида қатнашни орзу қилардим. Бунга эришиш осон бўлмади. Бунинг учун жуда кўп тўсиқлардан ўтиш керак эди. Мураббийларимиз билан биргаликда ана шунга эришдик.

**Ахрор БОЗОРОВ,**  
Паралимпия ўйинлари бронза медали соҳиби:

— Мазкур Паралимпия ўйинларида бронза медалини қўлга киритдим. Ваъда бериб айтганим, Токио паралим-

пиясида бу медалъ албатта олтин бўлади. Бизни бугун юксак даражада тақдирлашди. Бундан жуда ҳам миннатдор-миз.

**Одил ТУЛЕНДИБАЕВ,**  
Паралимпия ўйинлари ғолиби:

— Жисмоний имконияти чекланган одамлар тушқунликка тушиб қолган вазиятларни кўп кўрганмиз. Мен ўйлайманки, одам ҳар қандай ҳолатда ҳам олдинга интилиши, ўз олдида катта мақсадлар қўйиши зарур. Бугун Ўзбекистонда паралимпия спортчилари ҳеч кимдан ҳам бўлмаган даражада эъзозланаяпти. Бунинг учун давлатимизга раҳмат. Биз Риода 31 медални қўлга киритдик. Кейинги мусобақаларда бундан ҳам кўпроқ медаллар шодасига эга бўламиз.

**Турсунпошша НУРМЕТОВА,**  
Паралимпия ўйинлари бронза медали соҳиби:

— Юртимиз азалдан полвонлар ватани бўлган. Бизда унча-мунча эркаларнинг курагини ерга теккизган аёл курашчилар ҳам кўп. Болалигимда улар ҳақида эртақлар айтиб беришарди. Ўша пайтда менда ҳам курашчи бўлиш истаги туғилган. Юртимизда аёллар спортини ривожлантиришга берилаётган юксак эътибор сабабли менда ҳам дэюдо билан шуғулланиш имкони пайдо бўлди. Устозларимнинг ўғитларига амал қилиб, Паралимпия ўйинларида совриндор бўлдим. Натижаларимни янада яхшлаш учун бор кучим билан ҳаракат қиламан.

**Феруз САИДОВ,**  
Паралимпия ўйинлари бронза медали соҳиби:

— Биз Рио паралимпияда-сида ўзбек спортчиларининг қандай кучга эга эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилдик. Шахсан мен бу олимпиадада иштирок этишни жуда истагандим. Тўғри, бироз омад этишмади. Насиб бўлса, ҳозирги натижа билан чекланиб қолмай, кейинги Паралимпия ўйинларида ва халқаро турнирларда ғалаба қозонишга сўз бераман.

**Фотима ОМИЛОВА,**  
Паралимпия ўйинлари ғолиби:

— Авваламбор бу ғалаба фақатгина менинг ютуғим эмас. Унда юртимиз, халқимиз ва Биринчи Президентимизнинг хизматлари катта. Агар бизга шундай шароитлар ярати берилмаганда бугунги натижалар бўлмасди. Паралимпия ўйинларида дастлаб бронза медалини қўлга киритдим. Кейинги баҳсларда эса кумуш медалъ насиб этди. Бироқ менинг мақсадим олтин олиш эди ва учинчи ўринида бу мақсадимга эришдим. Мен бахтли ўзбек қизиман.

**Миран САҲАТОВ,**  
Паралимпия ўйинлари бронза медали соҳиби:

— Бизни шу ғалабаларни қўлга киритишимиз йўлида тинимсиз қўллаган, халқимизга терма жамоамиз номидан миннатдорлик билдираман. Мени тақдир тақозоси билан кўзаларим кўрмай қолди. Аммо тушқунликка тушмадим. Ҳаётнинг оғир қийинчиликларига бардош бериб, шу кунларга

етиб келдим. Бундан 6 йил аввал энгил атлетиканинг югуриш турлари билан шуғуллана бошладим ва бу менинг ҳаётим мазмунига айланди. Кейинчалик эса Франция, Англия каби давлатларда бўлган халқаро турнирларда иштирок этиб, юртимиз шарафини ҳимоя қилдим.

Биз, тўрт киши қўлга киритган эстафета бронза медали санок бўйича битта ҳисобланади. Бизга ажратилган пул мукофоти тўрт кишига бўлиб берилиши керак эди. Бироқ Фармойишга асосан ҳар биримизга алоҳида пул мукофоти бериладиган бўлди. Ана шу биргина мисолнинг ўзи ҳам бизга кўрсатилаётган юксак эътибор ва қадрнинг намунаси, деб биламан.

**Мавлон ҲАЙДАРОВ,**  
2014 йилги Пара Осиё ўйинлари ғолиби:

— Мусобақада қатнашган ҳар бир спортчи ғолиб бўлавермайди. Рио паралимпия ўйинларида менинг омадим келмади. Совриндор бўла олмадим. Лекин мен ҳам чемпионларга аталган «Malibu» автомобили билан тақдирландим. Менга ўхшаб совриндор бўла олмаган бошқа спортчиларга ҳам автомашина топширилди. Шунча йилдан бери спортнинг ичида юрган бўлсам, бунақа эътиборни кўрмганман. Ўзбекистонда инсон қадри ҳамиша баланд.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Аҳдам Икромов сўзга чиқди.

Темур АЗЪАМ,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

### ҲИҚМАТЛАР ХАЗИНАСИДАН

#### ДУНЁНИ СУВ ОЛСА, ЎРДАККА НИМА ҒАМ?

Бу мақол беғам, бепарво, «ўз қорним тўйса бўлди, ўзга билан нима ишим бор» деб, оила ғамини, эл-юрт ғамини емайдиган, ҳамиша-ҳамрўз ялло қилиб юришни кўзлайдиган одамларга қарата айтилган. Турдошлари: «Дарё тошса, қудққа не зарар?»; «Бола ўйинга тўймас, беғам уйқусини қўймас»; «Қайғусиз қора сувага семирар»; «Беғамликнинг вафоси бўлмас».

#### ДЎСТ АЧИТИБ ГАПИРАР, ДУШМАН КУЛДИРИБ

Чин дўстан фақат фойда тегади, у кишига ёмонлик соғинмайди, зиён-заҳмат етказмайди. Агар у қаттиқ-қурум гапирса ҳам, бундан хафа бўлмаслик керак. Чунки у кишини нотўғри йўлдан қайтармоқ мақсадида, қуюнганидан шундай қилади, дейилмоқчи. Турдошлари: «Дўст йиғлатар, душман кулдира»; «Шакарли тилга ишонма».

#### ДЎСТИНГ МИНГ БЎЛСА ҲАМ ОЗ, ДУШМАННИНГ БИР БЎЛСА ҲАМ КЎП

Дўстлар кўп бўлса, турмуш яхши, дўстсиз кечирилган ҳаёт бемаъни ўтади. Шунинг учун кўпроқ дўст орттиришга даъват этилади. Турдошлари: «Бахт гарови — дўстлик»; «Дўст қидирмаган киши ўзига душман»; «Дўст — дўстинг таянчи»; «Оз қайғуни ош босар, кўп қайғуни дўст босар»; «Йўлдоши кўпнинг — қўлдоши кўп»; «Ақли кўпни дов олмас, дўсти кўпни ёв олмас».

### РЕКЛАМА



## ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

### ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.  
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.  
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.  
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS:  
O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

#### TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV Saidkamol Saidahmad RAHIMOV  
Hotamjon KETMONOV XODJAYEV Farrux HAMROYEV  
Ulug'bek VAFOYEV Muslihidin (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)  
Rustam KAMILOV MUHIDDINOV Tat'yana KISTANOVA  
Ochilboy RAMATOV (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45  
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56  
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:  
100000, Toshkent,  
Matbuotchilar  
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasiida chop etildi.  
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 959  
8786  
nuxxada  
bosildi.  
Nashr ko'rsatkichi — 220  
t — Tijorat materiallari  
O'zA yakuni — 22:50  
Topshirilgan vaqti — 23:10

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:  
Temur XUDOYBERDIEV  
Sahifalovchi-dasturchilar:  
Zafar BAKIROV  
Behzod ABDUNAZOROV

ISSN 2010-7133  
1 2 3 4 5